

Хушхабар: ISLOM.UZ ИНТЕРНЕТ РАДИОМИЗ ТЕЛЕГРАМДА!



21:00 / 13.09.2021 1891

Азизлар, барчангизга маълумки, Islom.uz интернет радиоси бир неча йилдан бери халқимизга хизмат қилиб, сиз азизларнинг эътиборингизга қатор диний-маърифий эшиттиришларни тақдим этиб келмоқда. Радиоканалда фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг медиаформатдаги илмий меросидан намуналар, диний-маърифий мавъизалар, оят ва ҳадисларнинг шарҳлари, машхур қориларнинг Қуръон қироатлари, шунингдек, нашидлар, ибратли ҳикоялар, ва илмий-баддий эшиттиришлар бериб борилмоқда. Шунингдек, радиоканалимизда юртимиз уламоларининг долзарб мавзулардаги маърузалари, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидидаги жума мавъизалари, масжид имом-ноиб Хасанхон Яҳё Абдулмажид томонидан шарҳланган имом Термизийнинг «Шамоилул

Муҳаммадия» асари, Рамазон ойидаги «Қуръон билан танишув» туркум суҳбатлари каби кўплаб эшиттиришлар эфирга узатиб келиняпти.

Ижодий ва техник жамоамиз ходимлари радиотингловчиларимизга қулайлик яратиш, эшиттиришларнинг сони ва сифатини ошириш устида баҳолиқудрат меҳнат қилмоқдалар.

Ана шундай қулайликлардан бири – радиоканалимизнинг қамровини ошириш мақсадида қилинган янгилик бўлиб, эфирларимизни энг оммабоп ижтимоий тармоқларга ҳам таратишдир. Эндиликда тингловчиларимиз радио эшиттиришларни islom.uz телеграм каналимиз орқали ҳам тинглашлари мумкин. Шунингдек, ижтимоий саҳифаларимизда радиоканалимиз кундалик дастурининг анонси ҳам бериб бориладиган бўлди.

Марҳамат, севимли радиоканалингизни оила даврасида, ижтимоий тармоқлар орқали ҳам тингланг, бу хушxabарни яқинларингизга улашишни ҳам унутманг!

Аллоҳ таоло хайрли ишларимизни бардавом қилсин!

Телеграм каналимиз манзили - <https://t.me/islomuz>